



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021-yil “25” fevral

Қ-273 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Тумандаги “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги билан ер участкасини узок муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг IV-боб, 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг VI-боб, 32-моддасига, тумандаги “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи З.Абдуназаровнинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бошлиғи З.Абдуназаровнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Тумандаги “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ер участкасини узок муддатли ижарага бериш шартномаси муддатидан олдин бекор қилинсин.

3. “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ихтиёрида бўлган “Қумқўрғон” массиви “Арслонбойли” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасида 293к, 292к, 318к, 317, 306, 278, 280, 281, 239, 316-дала контурларидан жами 48,98 гектар, шундан 43,09 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1,87 гектар бўз ер, 2,50 арик, 0,42 гектар йўл, 1,10 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинсин.

4.Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга, туман ҳокимлиги захира ер майдонининг ер ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

5.Тумандаги “Арслонбойли ғолиби” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигининг барча қарздорлиги ўз зиммасида қолдирилсин ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, тегишли тижорат банк раҳбари, қарздорликни ундириш юзасидан тегишли судлар орқали ҳамда туман Мажбурий ижро бюроси (А.Холмуродов) билан биргаликда ундириш чораларини кўрсин.

6.Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси, туман ҳокимлиги захира ер майдонига қайтариб олинган 48,98 гектар ер майдонида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талабгорларга танлов асосида бериш вазифаси юклатилсин.

7.Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.


8.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

Қумқўрғон тумани ҳокими
Р.Б.Гаппаровга



“Қумқўрғон” худудида жойлашган
“Арслонбойли ғолиби” фермер
хўжалиги рахбари З.Абдуназаров
томонидан

Ариза

Ёзаман ушбу аризани шу ҳақдаким, фермер хўжалигимизни 293к, 292к, 318к, 317, 306, 278, 280, 281, 239, 316 контурларидаги жами 48.98 гектар ер майдонини шундан 43.09 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1.87 гектар бўз ер, 2.5 гектар ариқ, 0.42 гектар йўл, 1.10 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига олишингизни ҳамда туман ҳокимлиги билан тузилган ижара ер шартномасини бекор қилишингизни сўрайман.

“Арслонбойли ғолиби” фермер
хўжалиги рахбари



З.Абдуназаров

ISHONCHLARSOM	
KIRISH №	205/01-20
SANASI	15.02.2021